Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 йил, 13 октябрь, чоршанба # 41 (105)

МУСТАҚИЛЛИК

ҲУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



Ўзбекнинг эртаси шулар.

• *Республика прокуратурасида*

ФАРМОН ИЖРОСИ ПРОКУРОР НАЗОРАТИДА

Ўтган жума куни Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари, III даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Азимжон Эргашев бошқарди. Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрелдаги «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг ижросини текшириш натижалари ҳақида»ги масала муҳокама этилди. Республика прокуратурасининг бўлим бошлиғи Н.Файзуллаевнинг ахборотида таъкидланишича, айрим вилоятларда фармонни тадбиқ этишда камчиликларга йўл қўйилган. Жиноий жазодан озод этилган шахсларни жойлардаги ижтимоий кўникма марказлари, маҳаллий ҳокимиятларнинг масъул идоралари орқали жамиятга қайтишлари учун ёрдам бериш, керакли шарт-шароитларни яратиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам талабга жавоб бермайди.

Тегишли прокуратура идораларининг масъул раҳбарлари камчиликларни тезда бартараф этиб, фармон ижросини тўла таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида тушунтириш бердилар.

Ҳайъат мажлиси муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

(Ўз мухбиримиз)

• *Ахборот*

ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИ

Шу йилнинг 11 октябрь куни Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида журналистлар иштирокида ўтказилган йиғилишда Олий Мажлис депутатлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, ҳокимият вакиллик органларига, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишларида тенг шароитларни таъминлаш, сайловлар даврида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларнинг Низоми, Олий Мажлисга ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари ишининг баъзи масалалари тўғрисидаги йўриқнома, Марказий сайлов комиссиясига келаётган таклиф, мурожаат ва аризалар тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Йиғилиш сўнгида МСК раиси Н.Комилов юртимизда ўтказиладиган сайловлар шунчаки сиёсий тадбир эмас, дея таъкидлади. Биз яхши англаб олмоғимиз керакки, ўтказилажак сайловлар ўз тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимиз тақдирида муҳим жараён бўлади. Ҳар бир киши унда фаол иштирок этиш билан амалга оширган ишларимизга муайян даражада ўз муносабатини билдиради ва навбатдаги юксалиш учун замин яратади. Зеро, ҳар бир фуқарода онглилик, сиёсий фаоллик ва ҳушёрлик бўлиши керак.

(Ўз мухбиримиз)

• *Кадрлар — олтин фондимиз*

МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

ПРОКУРАТУРА ХОДИМИГА ҚЎЙИЛАДИГАН БИРИНЧИ ТАЛАБ

Республика прокуратураси кадрлар бошқармаси бошлиғи Даврон САЙИТҚУЛОВ билан суҳбат

- Даврон Муродович, кадрлар билан ишлаш жуда муҳим ва айни пайтда анча мураккаб вазифа. Прокуратура идораларига ишга қабул қилиш масаласини ҳал этаётганда мутахассисликка оид диплом ёки турли идора, ташкилотлардан берилган тавсифномаларнинг ўзи камлик қилади, шундай эмасми?

- Тўғри, шу боисдан ҳам бу соҳада ишлаш учун яхши мутахассис бўлишдан ташқари прокуратура идораларида ишлаб, тажриба орттирган, ҳаёт тажрибасига эга бўлган, пок, идоранинг «эртанги кунини» кўра оладиган одил, холис, камтарин боринки, ўз хулқи, юриш-туриши ва бошқа ижобий хислатлари билан бошқа ходимларга ўрнак бўларли даражада яхши инсон бўлиш керак. Бундан ташқари одамлар билан дилдан суҳбатлаша билиш қобилиятига эга бўлиш ҳам талаб этилади. Талаб этилган ҳужжатлар бўлиши шарт, албатта. Лекин бу тизимда ишловчилар энг аввало ҳалол-пок, барча инсоний фазилатларни ўзида мужассам

(Давоми 4-бетда)

• *Сайлов қонунлари амалда*

ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАР ТАШАББУСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига номзодлар кўрсатиш қизғин паллага кирди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бешта сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари билан бир қаторда бевосита фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳам ўз номзодларини кўрсатмоқдалар. Зеро, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 22^1-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин» деб ёзилган.

(Давоми 6-бетда)

«ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» **ОБУНА — 2000** «ҲУҚУҚ»

«Ҳуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журналига 2000 йил учун обуна бошланди.

Обуна индексларимиз:

«Ҳуқуқ» газетаси:	«Қонун ҳимоясида» журнали:
Якка тартибдаги обуначилар учун -231	Якка тартибдаги обуначилар учун -839
Ташкилотлар учун - 232	Ташкилотлар учун - 840

Нашрларимизга республикамизнинг барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин

Обуна бўлишга шошилинг!

МОҲИЯТ

Дилимизда яшайдиган қонун виждон дея аталади. Виждон аслида босган қадамимизнинг қонунга мувофиқ келишидир.

И.КАНТ

• *Тадбир*

ҚАДРИНИ БИЛГАН — ҲУҚУҚИНИ БИЛАДИ

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ТАҲЛИЛ. ТАКЛИФ. БАҲС

Қадрият, қадр-қиммат туйғуси она сути билан жонимизга кириб, қадрдон уй, жонажон юрт, меҳрибон ота-она, муҳтарам устоз, азиз Ватан муҳаббатига эш бўлади. Заргарнинг меҳнати билан бир парча тош бебаҳо ҳақиққа айланади. Боғнинг тароватига боғбоннинг муҳаббати соябондир. Ўймакор устанинг меҳри билан оддий ёғоч мўъжизакор хосият топади. Кўнгил мулкимизни безаган, сийратимизнинг устуни бўлган муқаддас қадриятлар эса, қадр-қиммат туйғусидан сув ичиб, камолга етади. Шунинг учун ўз қадрини бошида баланд тутган халқни ҳеч ким енголмаган. Балки ғанимлар уни жисмонан маҳв этар. Лекин у Жалолиддин Мангуберди бўлиб, Амир Темурдек тўлиб, Мирзо Бобурдек чақнаб, улуғ миллатнинг шарафи тимсолида тарих саҳнасига чиқиб келаверади.

Не бахтки, мустақиллик туфайли халқимиз яна жаҳон майдонида пайдо бўлди. Унгача... ҳам бор эдик. Қорнимиз тўқ, устимиз бут эди. Аммо бу гал ғанимлар бизни миллат сифатида тугатиш учун қадриятларимизни йўқ қилиб юборишга, фақат «улуғ оға» нинг соясига кўрпача соладиган «совет халқи»га айлантиришга кўп куч сарфлаган эдилар.

Тарих сабоқларидан тўғри хулоса чиқарган халқимизнинг зукко фарзандлари мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ миллатимизнинг маънавияти ойнасини ўша чангу ғуборлардан фориқ этишга алоҳида эътибор бердилар. Шунинг учун «Озод бўлсанг - озод бўл, эркин бўлсанг - эркин бўл, мустақил бўлсанг - мустақил бўл!» деган даъватнинг моҳиятида халқимизга ўзлигини англатишдек олий мақсад мужассамлашган эди.

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури» ана шу миллий уйғониш даврида, халқнинг, шу юрт фарзандларининг қадр-қимматини жойига қўйиб қўйиш зарурати туфайли пайдо бўлди. Чунки ўз қадр-қимматини билган, ўзини ҳурмат қиладиган кишиларгина ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши англаб, уни ҳимоя қилиб, ҳуқуқий демократик жамият талабларига ҳамоҳанг яшайдилар ва меҳнат қиладилар. Мазкур дастурнинг қабул қилинганига икки йил бўлди. Уни бажариш учун нима ишлар қилинди ва яна қандай тадбирларни амалга ошириш зарур?

Аввал хабар қилганимиздек, яқинда Республика Конституциявий судида «Ҳуқуқий маданият - фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг зарур омили» мавзусида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда ана шу масалалар доирасида баҳс юритилди.

Баҳодир ЭШОНОВ,
Конституциявий суд раиси, Олий Мажлис комиссиясининг фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш масалалари бўйича ишчи гуруҳи раҳбари:

- Мазкур дастур ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг умумий асосларини назарда тутиб, жамиятнинг тобора илгарилаб боришига, ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Ишчи гуруҳ шу йўналишда фаолият кўрсатиб, 1997-1998 йилларда ва 1999 йилнинг ўтган даврида Республикамизнинг қатор вилоятларида илмий-амалий анжуманлар ўтказди. Масалан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилиб чиқилди. Ўзини ўзи бошқариш органларининг бу борадаги роли ниҳоятда катта. Чунки, бу идоралар халққа энг яқин турадиган ва кишилар биринчи бўлиб дардини айтадиган дарғоҳ ҳисобланади. Лекин ҳуқуқий маданиятни яхшилаш масалаларини аввало шу идораларнинг ўзида намунали йўлга қўйиш даркор. Ҳатто ҳокимият идораларининг ўзида Конституция ва қонунларимизга зид қарорлар қабул қилинаётганлиги ҳуқуқий маданиятни яхшилаш доираси ҳали кенглигини кўрсатади.

Ишчи гуруҳ матбуот, оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилаётган ҳуқуқий тарбияни мувофиқлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Жамоатчилик асосида ишлайдиган ҳуқуқий маслаҳатхоналарни ташкил этиш ва кўпайтириш айни кунларимизнинг муҳим заруриятига айланган. Бу муаммони ҳал этиш учун тегишли идораларга тавсиялар берилди. Иш давомида маҳаллий ОАВларидаги юридик материаллар савиясини яхшилаш кераклиги ҳам маълум бўлди.

Ҳуқуқий таълимнинг энг мақбул йўналишларини танлаб олиш учун социологик тадқиқотлар ўтказдик. Янгийўл шаҳрида бу йил ўтказган илмий-амалий анжуманимизда Тошкент вилояти мактаблари мисолида ҳуқуқий таълимнинг аҳволи муҳокама этилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Аҳоли ҳуқуқий маданиятини яхшилашга доир қимматли таклиф-мулоҳазаларни умумлаштиришда Наманган вилоятида, Нукус ва Урганч шаҳарларида ўтказилган анжуманларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деб номланган маърузасидан келиб чиқадиган йўл-йўриқлар асосида ишчи гуруҳ зиммасидаги вазифаларни қайта кўриб чиқмоқдамиз.

Ҳозир Ўзбекистон муҳим кампания сайловолди тадбирлари билан яшамоқда. Оммавий ахборот воситалари сайлов ҳақидаги қонунларни кенг шарҳлаш билан бирга, кўрашчан ва ҳолис позицияда турмоғи, барча тадбирларни халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадига йўналтирмоғи керак.

Икки йиллик кузатишлар давомида бир нарсага амин бўлдик: ҳуқуқий маданият масаласи ҳар куни ва ҳар доим шуғулланиш тақозо этиладиган тадбир экан. Лекин мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеалар даврида бу жараён шиддат билан маълум поғонага кўтарилади ва кейинчалик уни шу даражада ривожлантириб бориш керак.

Сьюзанн ШНАЙДЕР,
Америка юристлар ассоссиациясининг Ўзбекистондаги вакили:

- Қисқа вақт ичида аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласида бутун бир даврга татигулик ишларни амалга оширганлигингиз билан сизларни табриклайман.

Америка Конституциясининг қабул қилинганлигига икки юз йилдан ошган бўлишига қарамай, ҳамон биз ҳуқуқий маданият масалалари билан шуғулланиб келамиз. Менимча, Ўзбекистон ҳам шу йўлдан бормоқда. Америкада бу масалада давлатнинг ва ҳукуматнинг роли чеклаб қўйилган. Жамоатчилик, нодавлат ташкилотлари ҳуқуқий маданият масалалари билан кенг шуғулланади. Матбуот қонунлардаги янгиликларни ҳар томонлама шарҳлаб боради. Суд жараёнлари, прокурорнинг ҳаракатлари; шаҳар мэрининг позицияси доимо матбуотнинг диққат марказида бўлади. Ҳуқуқ идораларида аҳолига юридик маслаҳат бериш билан шуғулланадиган алоҳида ходим бор. Масалан, мен ишлаган прокуратурада шундай ходим ҳар куни телефон орқали икки юзтагача мижознинг саволига жавоб берар эди.

Ҳуқуқий маданияти юксак халқнинг давлатга ва жамиятга ишончи юқори бўлади. Шунинг учун Ўзбекистонда бу масалага катта эътибор бериб, жуда тўғри қилинмоқда.

Ёшларни қонунчиликка ўргатиш бизнинг Америкада ҳам долзарб масала.

Бир пайтлар қашшоқлик Америка халқининг фожеасига айланган эди. Менинг назаримда Ўзбекистон бу боскични четлаб ўтиш йўлидан бориб, маълум муваффақиятларга эришмоқда. Ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлидан бораётган халқингизнинг келажаги порлоқ бўлишига аминман.

Анжуманда қилинган маърузалардан маълум бўлишича, мамлакатимизда мустақиллик мафкурасини барпо этишга, жумладан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир китоблар чоп этишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. 1998 йилда 101 номда 870 минг нусхадан ошиқ шундай адабиётлар чоп этилган бўлса, 1999 йилнинг ўтган даврида 64 номда ярим миллиондан ошиқ нусхада шундай китоблар чоп этилган. Биргина «Адолат» нашриёти 25 номдаги ҳуқуқий адабиётларни чоп қилиб, ўқувчиларга етказиб берди. «Ўзбекистон», «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, «Ўқитувчи», «Меҳнат», «Чўлпон», «Ғофур Ғулом» нашриётлари мустаҳкам потенциали мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Лекин биз шу имкониятдан тўла фойдаланаяпмизми?

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси, ишчи гуруҳ аъзоси Хуршид Дўстмуҳамедов ўз маърузасида, журналистлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий демократик жараёнда яна ҳам фаолроқ бўлишлари, қонунбузарликларга қарши муросасиз кураш олиб бориши масалаларига тўхталиб ўтди. Ҳуқуқий маданиятни бир томонлама, фақат қонунларни ўрганиш маъносида тушунмаслик керак. Чунки мансабини суиистеъмол қилаётган судья, прокуратура ёки ички ишлар бўлими ходимини қонунни билмайди, деб айта олмаймиз. Уларда қонунларга амал қилиш маданияти етишмайди. Шунинг учун биз журналистлар қонунларни қўллаш, амал қилиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият беришимиз даркор.

Мамлакатимизда журналистлар фаолиятини қўллаб-қувватловчи қатор яхши қонунлар бор. Лекин баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳуқуқим бузилди деб ҳисобланган бирон бир фуқаронинг манфаатини ҳимоя қилиб журналист текширув ўтказиш учун тергов жараёнига аралашишимиз мумкин эмас, суд жараёнига аралашишимиз мумкин эмас, ҳукм чиққандан кейин эса ўз-ўзидан бирон хулоса чиқариш мумкин эмас. Хўш, қачон журналист текшируви ўтказиш мумкин? Менимча, журналист фаолиятига доир қонунларни жиноятни белгиловчи қонунларга мувофиқлаштириш масаласи очиқ қолмоқда. Яна бир масала: мамлакатимизда чоп этилаётган юридик газета-журналларни бирлаштириб, битта кучли ҳуқуқий нашрга айлантириш керак.

***

Кучли юридик газета ташкил этиш, албатта яхши гап. Албатта, ҳақиқат баҳсда юзага чиқади.

Илмий-амалий анжуманга раислик қилаётган Баҳодир Эшонов, журналист Сафар Остоновлар ҳам баҳсга киришиб, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда ҳуқуқий нашрлар муҳим аҳамият касб этишини билдиргани ҳолда, уларни бирлаштириш ҳақидаги мулоҳазалар мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаб ўтдилар.

«Маҳалла» жамғармасининг раиси Шуҳрат Жалиловнинг маҳалла қўмиталари қошида жамоатчилик асосида ишлайдиган ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этиш ҳақидаги таклифи кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Аҳоли ҳуқуқий маданиятини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли, журналистнинг позицияси масалалари мазкур анжуманнинг диққат марказидаги асосий масалалардан бири бўлди. Ундаги таклиф-мулоҳазаларни бус-бутунича жамоатчиликка етказиш умумий ишимизга фақат фойда келтиради. Шу ўринда Хуршид Дўстмуҳамедовнинг таъналамуз эътирофини таъкидламоқ жоиз: Кейинги пайтларда турли даражада ўтказилаётган бундай тадбирларга журналистлар гуррос-гуррос бўлиб қатнашмоқдалар. Бироқ ишга келганда газеталаримиз ЎзАнинг кичик ахбороти билан чекланиб қолишмоқда. Наҳотки, қаламкаш дўстларимизнинг ўз айтар сўзлари бўлмаса!

Тўғриси ҳам шу. Биз бу кунларни қанчалар орзу қилган эдик. Энди бу кунлар талабига лаббай деб жавоб беришни ўрганайлик-да. Бу ҳам ҳуқуқий маданият.

Мақоламизни яқинда Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирида рўй берган воқеа билан якунламоқчимиз: Оила бошчисидан ажралган бир аёл, ўғлимни кийинтириш, боқиб олиш қўлимдан келади, деб мактаб томонидан фарзандига берилган кийим-бошни қайтариб берди. Шу кунлар учун оддий воқеа эмас бу. Биз бу аёлни арзимас чой чақа учун соткинларнинг тегирмонига сув қўйиб юрган айрим адашган бандаларга ибрат қилиб кўрсатмоқчи эмасмиз. Ўз қадрини миллатимизнинг гултожига айлантирган бундай инсонлар юртимизда миллионлаб топилади. Демак, қадр-қимматнинг тажассуми бўлган ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдаги имкониятларимиз ҳам миллионлар билан ўлчанади.

А. АБДУХОЛИҚОВ

АЁЛИНГНИ АСРАГИЛ, ЭЛИМ!

«ҚАЙНОТАМ – «ЁЗУВЧИ!»

Ассалому алайкум, ҳурматли редакция ходимлари!

Аввало, ўзимни таништирсам. Мен, Ўрозгул Ҳайдарова, 1970 йилда туғилганман. Олий маълумотли ўқитувчиман. Ушбу мактубни Сурхондарё вилояти Узун тумани Б.Очилдиев номли жамоа хўжалигидаги «Бешкапа» маҳалласидан жўнатаяпман.

1995 йил 4 август куни «Гулистон» жамоа хўжалигининг «Янги ҳаёт» маҳалласида яшовчи Зокир Сафаровга турмушга чиқдим. Лекин ҳаётим яхши бўлмади. Негаки, турмуш ўртоғим жуда рашкчи эди. Бўлар-бўлмасга жанжал чиқарарди. Бунинг устига қайнотамнинг «уйдан чиқинглар» деган зуғумлари.. Шундай сабаблар билан ўғлим туғилгунча онамникига кетиб - келиб юрдим. Ўғлим 1996 йил 14 июль куни туғилди. Шундан сўнг қайнотам « Энди уч киши бўлдиларинг, уйдан йўқолинглар, сенларни ким боқади», деган жанжални бошлади. Сентябрда боламни олиб бутунлай онамникига кетиб қолдим, лекин судга мурожаат қилганим йўқ. Сабаби, никоҳ қоғози ва ўғлимнинг гувоҳномасини яшириб қўйишган эди.

1997 йил августдан ишга чиқиши учун 56-мактаб директори Алимардоновага мурожаат қилдим. Қайнотам Алланазар Сафаров Узун туман ХТБда бошланғич таълим методисти бўлиб ишлайди. Унинг «Ўрозгулни ишга олмайсан», деган гапи бўйича, директор эртаиндин, деб мени бир яшар болам билан бир ой сарсон қилди. Кейин мен Узун туман прокуратурасига ариза билан мурожаат этганимда прокурор Э.Аъзамов ХТБ мудири И.Назаровга телефон қилди. Телефонда Назаров «Келинни яраштирамиз, аризасини бизга қайтаринг», деб айтди. ХТБга бордим. Мудир менга насиҳат қилиб, хўжайинингиз билан ярашинг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деди. Домланинг гапи билан ярашдик. Биз учун уй қурилиши бошланган экан. Ҳеч ким ёрдам бермади. Хўжайиним ғишт терди, мен лой ташиб, хом ғишт узатиб турдим. Уйни тиклаб, устини ёпишга келганда ёмғир бошланди. Қайнотам яна хархашасини бошлади. Жанжал чиқиб, мен яна онамникига кетдим.

1998 йил май ойида ХТБ мудири Ҳ.Шоймардонов чақириб, «ярашмасангиз бўлмайди, қайнотангиз бизга тинчлик бермаяпти» деди. Домланинг гапи билан уйга қайтдим. Май, июнь, июль ойларида бирга яшадик. Хўжайиним яна рашк қилиб жанжал чиқаргач, боламни олиб онамникига кетдим.

Мана, бир ярим йилдирки, онам билан бирга яшаяпмиз. Бу орада алименти ҳам, уй жойи ҳам, кўрпа тўшаги ҳам керакмас, деб судга мурожаат қилмадим. Лекин қайнотам директор ва ХТБ ходимларига тинчлик бергани йўқ. «Сенлар бировнинг рўзғорини бузиб, эри йўқ одамни ишлатиб ўтирибсанлар, устиларингдан ёзаман», деб пўписа қилади. Август, сентябрь ойларида мени ҳар куни ХТБга чақиришди. Охири «Зокир Сафаров билан бирга яшамайман», деб тушунтириш хати ёзиб бердим. Шунда ҳам тинчлик йўқ.

1987-1992 йилларда Тошкент Давлат чет тиллар институтининг испан тили бўлимида ўқиганман. Туманимизда битта мактабда испан тили ўқитилади, у ерда мутахассислар етарли. Мутахассислигим бўйича иш йўқлиги туфайли қишлоғимиздаги мактабда олдин рус тилидан дарс бердим. Кейин олий маълумотли ўқитувчи етишмаслиги сабабли битта бошланғич синфни ўқита бошладим. 11-ўрта мактабда ҳам бошланғич синфларга дарс берардим. 1997 йил 1 октябрда қайнотам ўзи ишга киргизиб қўйган эди. Бу йил синфлар қисқариши сабабли менга она тили ва адабиётдан дарс бериши. «Мутахассислиги бўлмаган кишига дарс бергансан» деб иккала мактаб директорлари-ю ХТБ дагиларни тинч қўймаётган одам (яъни қайнотам) пенсия олади, ХТБдан методистлиги учун 1,25 ставка ойлик олади, яна мутахассислиги бошланғич синф ўқитувчиси бўлгани ҳолда 9-мактабда она тили ва адабиётдан 15 соат дарс беради. Буни қандай тушуниш керак? Мутахассислиги бўлмай туриб дарс бериш «ёзувчи»га мумкину, бошқаларга мумкин эмасми? Ахир мен шароитимни тушунтирдим-ку.

Яқинда судга мурожаат қилдим. Ҳужжат тўғрилаб келинг, деб бир талай ҳужжатлар рўйхатини қўлимга беришди. Маҳаллага борсам, маҳаллакўм «Уй-жой тўғрисида маълумотнома беролмайман, қайнотанг ёзувчи, кейин мени тинч қўймайди», деди. Ялиниб-ёлвориб маълумотнома олиб, қишлоқ фуқаролар йиғинига борсам, у ердагилар ҳам қайнотамнинг ёзувчилигини писанда қилишди.

Ҳурматли редакция ходимлари! 30 га кирмай сочим оқарди, асабларим чарчади. Ҳар куни жанжалдан безор бўлдим. Бу гаплар битта мени қийнаса экан... Онам қари, касалманд. ХТБга чақиришибди десам,"сени ишдан ҳайдаб юборишса нима қиламан, деб шу куни ухламай чиқади. Майли, мен ишламадим ҳам дейлик, бир болам билан кимга юк бўламан, нафақахўр қари онамгами? Акам оддий колхозчи, хотини билан 3 боласини боқсинми ё бизними?

Опам, янгам мактабда ишлайдилар. Текширишга келишиб фақат бизни ёмонлаб ХТБ кенгашида муҳокамага қўйишади. Мактабда текшириш бўлар экан деса, менга қўшилиб уларнинг ҳам юраги безиллайдиган бўлиб қолган. Ўқитувчилар ҳам «Сен шунга келин бўлмадинг, бошга бало бўлдинг, безор бўлдик шу текширишлардан», дейишади. Қаттиқ хижолат бўламан. Аммо нима қилай?...

Эрим мендан олдин ҳам уйланиб бир боласи билан хотинини ҳайдаб юборган. (У ҳам ўқитувчи.) Болага алимент тўламаслик учун иш жойини тез-тез ўзгартириб туради. Икки аёлни икки норасида гўдаги билан кўчада сарсон қилиб қўйган қайнотам кимга ишониб ХТБга, мактаб директорларига, менга тазйиқ ўтказаяпти?

Бирга яшаган вақтимда уйлигимни уларга берганман. Уй қурилишида шахсан қатнашганман. Оиламни тиклашдан умидим йўқ. Мен ва ўғлимнинг мана шу уйда ҳаққимиз йўқми?

Наҳотки, менга ҳеч ким ёрдам бермаса?..

Ўрозгул ҲАЙДАРОВА

ДУНЁДА ИНСОН КАБИ...

Ассалому алайкум, таҳририят ходимлари!

Сизга дардимни тингларсиз, деган умидда мурожаат қилаяпман.

...Дардимни бўлишай десам, онам ё опа-сингилим йўқ. Тақдирим экан, 1992 йилда иккинчи марта турмуш қурдим. Умр йўлдошим шу туманнинг Дуюл қишлоғидан, Суяр Холмуродов. Шу кунларда ғалла бригадири бўлиб ишлайди. Менинг арзи ҳолим эса хўжайинимнинг раҳмсизлиги, бепарволиги хусусида. Тўғри, дардимни дастурхон қила бошлаганимдан наҳотки, ўз эрини бегоналарга ёмонлай олади бу аёл, дея ўйларсиз. Аммо, мен ҳам дунёга келиб, инсондай аҳил ва тинч оилада яшашни хоҳлайман. Аммо мен бунинг илożини қилолмадим. Доимий шамоллашим ва хасталикка бепарво бўлишим сабаб танамга без тошиб кетди. Эрим эса нуқул уриб-сўкишдан нарига ўтмайди. Соғлигим ёмонлашиб, иложсизликдан касалхонада бир ҳафта ётдим. Бироқ, дўхтирларнинг яхшилаб даволансин, шамоллаши кучли, охир-оқибат тузалмас касалга айланади, дейишларига қарамай, хўжайиним келиб: «Шунча ётганинг етар, сени даволатишга пулим йўқ, ётсанг барибир сенга пул бермайман», дея дўқ-пўписа билан мени олиб кетди. Ким ҳам ўзига касаллик тиларди? Мен ҳам хоҳламайман-ку шундай умр кечиришни! Нега, қандай қилиб оғридинг, дея сўровчи киши топилмайди.

...Бу киши билан яшаётганимга ҳам 8 йил бўлди. Шу саккиз йил ичида еган калтакларим... эшитган сўзларим... Бу турмушим ҳам ўз йўлига тушмади, шекилли. Бугунги кунда беш болам билан кўчада, ўзгаларнинг уйларида ижарада яшаяпман. Менга жони ачимасин, майли, аммо болаларда нима гуноҳ?!

Аввалари ўзаро давра гурунгларида ёш келинларнинг қайнонаси ва эрларидан нолиганларини эшитиб, агар қайнона-қайнотангнинг, эрингнинг ҳурматини жойига қўйсанг, ишларни ўз вақтида қилсанг, нега жанжал чиқади, дер эдим. Аммо, ҳаёт мураккаб экан. Мен ўзимни тўла оқламоқчи эмасман, аввало тақдирим, қолаверса, нохушлик туфайли биринчи турмушимдан ажрашдим. Энди эса бу ҳол... Юмушларга улгурган ва улгурмаган вақтларим ҳам бўлди, бироқ у рўзғор ишлари-ю, бу эса кўнгил, инсонийлик, ҳурмат истовчи умр кечуви-ку! Эндиликда собиқ эрим Холмуродов Суяр 20 ёшли бир қизни хотин қилиб ўтирибди. У ҳам менинг кўйимга тушмайди, деб ким айтади? Ахир у учинчи хотин бўлиб яшаяпти у билан.

Болаларимни боқишим керак. Бунинг учун аввало, соғлом бўлишим керак. Даволанишнинг эса имкони йўқ. Аҳволимни айтиб, Алишер Навоий жамоа хўжалиги раисига ёрдам сўраб бордим, у бўлса, менга ажримингни кўрсат, деб айтди. Лекин қандай қилиб, кўрсатаман, қоғозим йўқ бўлса? Шу масалада хотинқизлар қўмитасига ҳам мурожаат қилдим, эримнинг калтаклари, зуғумларидан шикоят қилиб туман прокуратурасига ҳам бордим. Охири чарчадим. Менга ким ёрдам беради?! Ҳатто, болалар пулини ҳам ололмай сарсонман, чунки хўжайиним бу пулларга ҳам эга чиқди. 1990 йилга қадар икки болам учун ҳар ойда алимент олар эдим. Аммо, ҳозир иккинчи турмушим ҳам бўлмагач, менга уч болам учун май ойидан алимент берилади, дейишганди. Бориб сўрасам, бизда пул йўқ, деб қайтаришмоқда. Майли, ёзай десам дардим дастурхон... Оз бўлсада, кўнглимни бўшатишимга имкон бўлди. Аммо сизлардан сўраганим шулки, менга ёрдам беришнинг илożи борми? Менга тегишли бўлган мол-мулкларимни мусодара қилишда, поймол бўлаётган ҳуқуқларимни тиклашда кимга мурожаат қилай? Менинг ҳам, болаларимнинг ҳам бу дунёда инсон каби яшашга ҳақ-ҳуқуқимиз бор-ку, ахир?

З. ДОНИЁРОВА,
Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани

Таҳририятдан:

Ҳурматли газетхон! Сизга бир саволимиз: ўзбекчилик нима? Бу саволга минг хил жавоб қайтариш мумкин. Сиз ўйлагунингизча биттасини ўзимиз айтайлик: ўзбек аёлини кафтида кўтариб юради. Бизда аёлнинг хўрлиги ва хорлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳатто, тарихимизда ўтган саркарда Жалолиддиннинг ўз аҳли аёлини дарёга итқитишида ҳам буюк ҳикмат бор: у хотин-бола чақаси-ю онасининг ёвуз Чингизхон қўлида хор бўлишини истамаган эди. Халқимиз аёлни шундай эъзозлайди. Негаки, аёл - ўзбекнинг ори, номуси.

Аммо юқорида сиз ўқиган дардли мактубларнинг муаллифлари ҳам - аёллар. Аввало, бу хатларни газета саҳифаларида эълон қилиш керакми-йўқми, деган истиҳолага бордик. Чунки турмуш, рўзғор ташвишлари, ҳар бир оиланинг ўз муаммоси. Бироқ бу муаммолар ўз вақтида бартараф этилмаса, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Юқоридаги мактублар шундан дарак бермаяптими? Бундай хатлар асосан Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидан келаётганлиги ва уларнинг оз эмаслиги кишини ўйлантиради. Бизнинг шу воҳада фаолият юритаётган мутасадди раҳбарларга ҳайратли назаримиз бор Наҳотки, воҳада бир аёл дардини тингловчи, унинг ижтимоий ҳуқуқини муҳофаза қилувчи бирон кимса топилмаса?

Таҳририятга изтиробли мактуб битган аёлнинг эримисиз, қайнотасимисиз, ака ё укасимисиз, отасимисиз, тоғасимисиз - эркаклар, сизга айтар гапимиз ҳам бор. «Дунё ўтиб кетар дема, бизлар ўтиб кетамиз», дейди шоир Машраб Бобоев. Бу ўткинчи дунёда Расулиллоҳ (с.а.в) саҳобаларига шундай деган экан: «Ораларингизда Аллоҳга хуш ёқувчи кимсалар кимлигини айтайми? Улар аҳли аёлига хуш муомалада бўлувчи кишилардир». Хулосани ўзингиз чиқариб олинг.

• *Кадрлар — олтин фондимиз*

МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

ПРОКУРАТУРА ХОДИМИГА ҚЎЙИЛАДИГАН БИРИНЧИ ТАЛАБ

Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига боғлиқ.
Ислом КАРИМОВ

(Бошланиши 1-бетда)

этган инсонлар бўлмоғи керак. Чунки, улар бутун фаолиятлари мобайнида инсонлар тақдири учун жавобгар ҳисобланадилар. Шу боис, ички дунёси бой, ўз дунёқарашига эга ва албатта, қонунни ҳар нарсадан устун қўйувчи ўта масъулиятли одамларгина прокуратура соҳасида фаолият кўрсатишлари мумкин.

- Даврон Муродович, яқинда Республика прокуратурасида бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида «Прокуратура идораларининг раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Президент фармойишининг бажарилиши юзасидан ахборот берган эдингиз. Олиб борилган ишлар натижасида ўндан ортиқ прокурор-тергов ходимлари эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиниб, прокуратура идораларидан бўшатилганлиги ҳақида айтиб ўтилди. Бу каби ҳолатларни келтириб чиқарган сабаблар нималардан иборат?

- Мамлакатимизда инсонпарвар ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш йўлида олиб борилаётган муҳим ишларни амалга оширишда прокуратура идоралари зиммасига улкан масъулият юклатилган. Қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилишдек масъулиятли вазифани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни бекаму кўст, муваффақиятли адо этиш мақсадига, энг аввало, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда малакали, виждонли, касбига садоқатли, фидоий ходимлар меҳнат қилсагина эришиш мумкин.

Зеро, «прокуратура ходими» шаънини улуғлаш айнан прокуратура идорларида ишлаётган инсонларга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 28 январь кунги «Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича марказий комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишини бажара бориб, раҳбар ходимларнинг иш фаолияти 2 та ишчи гуруҳ таркибида дастлаб атрофлича текширилиб, натижалари ходим иштирокида Республика Бош прокурори ҳузуридаги прокуратура идорлари раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссиясида кўриб чиқилди. Ушбу комиссиянинг ўтган 19 та мажлисида жами 295 нафар раҳбар ходимларнинг аттестация лойиҳалари муҳокама қилинди. 110 нафар раҳбар эгаллаб турган лавозимига лойиқ 84 нафари етарли даражада лойиқ эмас, деб топилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан уларга қўшимча синов муддатлари белгиланди, 10 нафардан ортиқ прокурор-тергов ходими прокуратура идораларидан бўшатилди.

Шунингдек, аттестациядан ўтказиш бўйича марказий комиссия томонидан 19 нафар Республика прокуратураси бошқарма бошлиқлари, вилоят ва унга тенглаштирилган прокурорларнинг аттестация лойиҳалари муҳокама қилиниб, натижалари бўйича уларнинг 13 нафари эгаллаб турган лавозимларига лойиқ, 1 нафари эгаллаб турган вазифасига нолойиқ деб топилиб, лавозимидан озод қилинди ва 5 нафари эгаллаб турган лавозимларига етарли даражада лойиқ эмас, деб топилиб, уларга 6 ойдан 1 йилгача қўшимча синов муддати белгиланди.

Бундан ташқари жойлардаги махсус инспекцияларнинг олиб борган иш фаолияти давомида ҳам прокурор-тергов ходимлари аттестациядан ўтказилиб, улар фаолиятига тегишли баҳо берилди.

Иш бор жойда, албатта, камчилик ҳам бўлади. Аммо баъзи ҳолатларда ўта масъулиятсизликка ҳам йўл қўйилганки, бундан кўз юмиб бўлмайди.

Бу каби ҳолатнинг келиб чиқишига, энг аввало, кадрлар масаласида бироз эътиборсизлик, уларни танлаш, тайинлашда шахсий хислатларга, ишчанлик қобилиятларига лозим даражада аҳамият берилмаганлиги ҳам сабаб бўлган. Шунингдек, бунга махсус инспекциялар фаолиятида қатъиятлилик ва ташаббускорликнинг етишмаслиги, сайёр мажлислар ўтказиш, ходимларнинг ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш, кадрларни лавозимларга заҳирага олиш ҳақида таклифлар киритиш, ходимнинг фаолиятини олдиндан ўрганиш ҳақида юзаки ва сифатсиз аттестация лойиҳаларини тақдим этган шахсларга нисбатан чоралар кўриш амалиёти қўлланилмаслиги оқибати сифатида қараш мумкин. Бу ҳолатлар баъзан ҳунук оқибатларга ҳам сабабчи бўлмоқда.

- Масалан?

- Масалан, 1998 йил 19 март куни Ургут туман марказий шифохонасига фуқаро Т.Носирова куйиш жароҳати билан ётқизилганлиги ҳақида туман ИИБга хабар келиб тушган, ушбу хабар асосида ИИБ томонидан текшириш ишлари олиб борилган. Гарчанд, жабр-ланувчи Т.Носирова ўз тушунтириш хатида газга олов ёқиш учун гугурт чаққанида газ очиқ ҳолатда бўлганлигини билдирган бўлсада, газ плитаси яқин орада ишлатилмаганлиги, Т.Носированинг турмуш ўртоғи И.Каримов бир умумий рўзғорда икки хотин билан яшаганлиги, Т.Носирова ўзини ёқиб юборганлиги тўғрисида маълумотлар тўпланган ва текшириш учун Ургут туманлараро прокуратурасига юборилган. Ушбу иш туман прокуратураси терговчиси Н.Элбоевга топширилган. Лекин, терговчи ўз хизмат вазифаси юзасидан бажарилиши шарт ва лозим бўлган ҳаракатларни бажармай, иш материаллари бўйича бирор бир текшириш ўтказмаган. У қонун талабларини қўпол равишда бузиб, мазкур ҳолат юзасидан асоссиз равишда, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Терговчи Н.Элбоевнинг қарори вилоят прокуратураси томонидан бекор қилинган ва ушбу ҳолат юзасидан ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Тергов натижасида И.Каримовга ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми ва 126-моддаси билан айб эълон қилиниб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган ва ишни мазмунан кўриб чиқиш учун айблов хулосаси билан бирга судга юборилган. Суд И.Каримовни ушбу моддаларга кўра айбдор, деб топиб 7 йилга озодликдан маҳрум этди.

Н.Элбоевнинг юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаракатсизлигида ЖКнинг 208-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд, деб топилиб, Республика прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди ва ҳозирда тергов ҳаракатлари тугалланиб, мазмунан кўриш учун судга юборилди.

Ҳудди шунингдек, Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туман прокуратурасининг терговчиси Р.Жуманов Самарқанд вилояти Пастдарғом туман прокуратурасининг собиқ терговчиси С.Нормуродов, Каттақўрғон шаҳар собиқ прокурори Ш.Ҳасанов вазифасига ўта масъулиятсизлик билан қараганликлари учун вазифаларидан бўшатилиб, улар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Республика Бош прокурори-нинг «Ким бўлишдан қатъий назар, ножўя хатти-ҳаракат содир қилса шафқат бўлмайди, унга нисбатан жазо муқаррар. Ҳар ким ҳар бир ҳаракати учун ўзи жавоб беради», деган талабидан келиб чиқилди.

- Кейинги йилларда прокурор маънавияти ва маданияти тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бу ҳақда фикрингиз?


- «Прокурор маънавияти ва маданияти» деган ибора ўз ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бугунги кун прокурори нафақат ўз соҳасининг чуқур билимдони, балки маънавий, ахлоқий жиҳатдан ҳам етук бўлиши шарт. Қалби пок, Ватанига, халқига меҳри бўлмаган прокурорнинг жамиятга нафи тегиши қийин.

- Ҳар йили республикамизда ҳуқуқшунос мутахассислиги бўйича бир қанча ёш йигит-қизлар олий ўқув юртларини битириб чиқмоқда. Биргина Тошкент Давлат юридик институтидан бир йилда 250-260 та ҳуқуқшунос кадрлар етишиб чиқар экан. Ёш мутахассисларни прокуратура тизимига ишга олишда уларга қандай талаб қўйилади?

- Кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш Республика прокуратураси раҳбариятининг, жумладан, кадрлар бошқармасининг доимий диққат-эътиборидаги энг муҳим масалалардан биридир. Олий ўқув юртларини битирганларни аввало, билими, дунёқараши, соҳага бўлган қизиқишига қараб, уларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатдан ва махсус текширувдан ўтказиб, энг муносибларини прокуратура идораларига ишга таклиф қиламиз. Улар белгиланган тартибга кўра маълум муддат иш ўрганувчи сифатида синовдан ўтадилар. Ана шу муддатда ўзининг билими, тартиб-интизоми, ҳаракатчанлиги, одамлар билан ишлай олиш қобилиятини намоён эта олганлар доимий ишлаш учун тавсия этиладилар.

Бир сўз билан айтганда, ҳам масъулиятли, ҳам фахрли соҳада ишловчилар ҳар томонлама етук бўлишлари шарт. Акс ҳолда у қайси ўқув юртини битирган бўлишига қарамай соҳамизда ишлай олмайди.

Суҳбатдош: Дониёр ХАЛИЛОВ



Тошкент вилояти прокуратурасида навбатдаги йиғилиш.

• *Прокурор назорати*

САВДОДА БЎЛМАГАНИДА

Мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиши машҳур беш тамойилга асосланганлиги барчага яхши маълум. Кучли ижтимоий ҳимоя ана шу беш тамойилнинг бири ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя нафақат аҳолининг кам таъминланган қатламига, балки барчага бирдай тегишлидир. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрда қабул қилинган «Республикада савдони эркинлаштириш ҳақида»ги қарори муҳим ўрин тутади. Мазкур қарорга кўра дўконларда 8 турдаги энг зарур халқ истеъмол моллари доимо бўлиши керак. Хўш, Беруний туманидачи?

Бу масала туман прокуратурасининг доимий эътиборида.

Прокуратура томонидан Вазирлар Маҳкамасининг юқорида номи тилга олинган қарори ижроси текширилганда бу борада жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан «Беруний тутиниу» матлубот ҳиссадорлик жамияти халқ истеъмоли молларининг аҳолига узлуксиз етиб боришини таъминлаши керак. Аммо, жамият маъмурияти ҳалигача ўз имкониятларидан тўла фойдаланмаяпти. Кўплаб дўконларда энг зарур 8 хил маҳсулот рўйхатига киритилган айрим товарларнинг ҳар доим ҳам пештахталарда бўлавермаётганининг ўзиёқ жамият фаолияти хусусида тегишли хулоса чиқариш имконини беради.

Масалан, ун, чой, ўсимлик мойи, туз, қанд, шакар, гугурт, совун ва макарон маҳсулотлари ҳар бир дўконда доимий равишда бўлиши шарт бўлган ҳолда, тумандаги Ў.Жуманиёзов номли деҳқон-фермер хўжалигида жойлашган, Г.Матёқу-

• *Прокурор муаммо кўтаради*

ҚАСАМ НЕГА БУЗИЛДИ?

ЁХУД КАТТАҚЎРҒОНЛИК КЎЗБЎЯМАЧИ ШИФОКОРЛАР ҲАҚИДА



Қай юрт, қай бир жамиятда бўлмасин, эл саломатлиги давлат аҳамиятига молик масала ҳисобланади.

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан буён халқ саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилган талай фармойиш ва қарорлар қабул қилинди. Аммо, уларнинг ижроси ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Шаҳар прокуратураси томонидан соғлиқни сақлашга қаратилган қонунларнинг бажарилишини ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар умумий назорат тартибида ўрганилганда, соҳа мутахассислари ишида қатор ўзибўларчилик ва кўзбўямачиликлар мавжудлиги аниқланди.

Каттақўрғон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида 1996 йилда қайд этилган 4 нафар бемор тиф-паратиф (қорин терламаси) касаллиги билан ётқизилган бўлса, 1997 йилда бундай беморлар сони 9 тага, 1998 йилда 34 нафарга ва жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 10 нафарга кўпайган.

Бу беморларнинг 25 нафарини вояга етмаган ёшлар ташкил этади. Яна шуниси ачинарлики, ўз вақтида касалликнинг олди олинмаганлиги оқибатида қайд этилган болалардан 1997 йилда 3 нафари, 1998 йилда 1 нафари ҳаётдан кўз юмишган.

Шаҳар ва туман санитария эпидемиология станцияси, юқумли касалликлар шифохонаси бош врачлари йилдан-йилга кўпайиб бораётган бу каби хавфли, юқумли касалликларнинг олдини олиш ўрнига, уларни ҳисоботларда кўрсатмасдан, кўзбўямачилик билан яшириб келганлар.

Каттақўрғон туман СЭС бош врачи Т.Худойбердиев 1999 йил 19 май куни шаҳар прокуратурасига йўллаган маълумотномасида 1996-1999 йиллар давомида туманда ҳаммаси бўлиб 10 нафар фуқаро қорин терламаси касали билан оғриганлигини кўрсатган. Ваҳоланки, бу давр ичида туман аҳолисидан 42 нафари мазкур касаллик билан шаҳар шифохонасида ётиб даволанганлар. Каттақўрғон шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси бош врачи Х.Баҳриев ва шаҳар СЭС бош врачи Б.Умурзоқовлар шаҳар шифохонасига ётқизилган, юқорида қайд этилган 42 нафар беморни «Беморлар туман ҳудудига касалланиб келишган», деган важ билан ҳисобга қўймаган. Бундай раҳбарларнинг кўзбўямачиликлари оқибатида ҳозирги пайтда қорин терламаси ва бошқа юқумли касалликлар эпидемия сифатида тарқалиб кетиш хавфи туғилган.

Танаси бошқа дард билмас, деган гап бор. Бу гапни бемор учун жон куйдиришни бурч дея англамаган, саёз билимли, лоқайд шифокорларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Шаҳар Марказий туғруқхонасида шу йил 30 апрель куни шаҳар СЭС томонидан текшириш ўтказилганда чақалоқ Н.Очилов ўткир гемотоген эпифизор остеомиелитни шу ерда юқтирганлиги аниқланди.

Шаҳар Қон қуйиш станцияси ҳамшираси Т.Кулимова донордан олинган қоннинг эпидемиологик хавфсиз эканлиги тўғрисида маълумотномага эга бўлмасдан қонни туғруқ уйига бериб юборади. Бу қонни қабул қилган бемор Г.Зубайдуллаева «Вирусли гепатит»нинг «В» турига чалинган. «Ингичка» кўрғончаси санитария бўлимида ўтказилган текширишда туғруқ уйи бўлим мудири Р.Исмоилованинг айби билан чақалоқлар касалланганлиги аниқланди. Юқумли касалликлар врачи Х.Мусурмоновнинг бепарволиги оқибатида ТПК ташхиси қўйилган бемор Д.Норбердиевага тузалмасдан уйига жавоб бериб юборилганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида менингит касаллиги билан даволанган 1 ёшли И.Дониёров даволаниш жараёнида шифохонада шприц ва игналарни ишлатиш ва зарарсизлантириш қоидаларига амал қилинмаганлиги, муолажа хонасининг санитария талабларига жавоб бермаслиги натижасида иккала думба обсцесси билан касалланган.

Гап масъул шахсларнинг ўз бурчларига муносабатлари ҳақида кетганда, «Сувоқава» бошқармаси фаолиятида рўй бераётган жиддий нуқсонлар тўғрисида тўхталмасликнинг сира иложи йўқ. Текширишлар шуни кўрсатдики, шаҳар аҳолисига берилаётган ичимлик суви истеъмол учун яроқсиздир.

Сув қувурлари 1960 йиллар да ўрнатилган бўлиб, ўз муддатини аллақачон ўтаб бўлган. Сувнинг мунтазам берилмаслиги туфайли қувурларда ҳосил бўлган занг ва бошқа зарарли моддалар таъсирида сув таъми бузилмоқда.

Шаҳар ҳудудидаги қудуқлардан тоза ичимлик суви тортиш учун сув насослари етишмайди. Бу ҳолатларнинг ечимсиз муаммога айланиб бораётганлиги ҳақида ҳали бирор раҳбар ўйлаб кўргани йўқ.

Омон ЭШҚОБИЛОВ,
Каттақўрғон шаҳар прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси

1-РАҚАМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДАН БИРИ

Бугунги кунда диабет касаллиги дунё бўйича кенг тарқалган касалликлар қаторидан ўрин олмоқда. У ҳаёт учун ўта хавфли бўлган рак, СПИД ва юрак хасталиклари билан тенг турувчи касалликлардан бири ҳисобланади. Олимларнинг таъкидлашича, 2015 йилга келиб, дунё бўйича диабет билан оғриганлар сони икки баравар кўпайиб, 220 млн.га етар экан. Унинг икки тури мавжуд, биринчиси, инсоннинг анча ёш пайтида 5 ёшгача намоён бўлади. Иккинчи тури — «қарилик диабети» деб номланади. Ҳозирги кунда касалликнинг биринчи тури катта хавф уйготмоқда.

Профессор Р.Хейнининг айтишича, касаллик иккинчи турининг кўпайишига Ғарбда «тез қўлар» деб номланувчи – гамбургер каби овқатлар кўп истеъмол қилиб, кам ҳаракат қилиш сабаб бўлмоқда экан. Одамлар бора-бора буни тушуниб етиб, ҳаёт тарзларини ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдалар. Чунки диабет кўриш, жигарнинг оғир шаклда касалланиши, бармоқларини кесиб ташлашгача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

МИНГ ҒАЛВА

БЕРУНИЙДА ҲАМ ТЎКИНЧИЛИК БЎЛАРДИ

бова мудирлик қилаётган 16-дўконда текшириш пайтида макарон ва чой йўқ эди. «Олтинсой» хўжалигидаги Ш.Қурбонов мудирлик қилаётган дўконга эса ун анча вақтдан бери келтирилмаган. Ш.Сумонов мудирлик қилаётган дўконда ҳам аҳвол шундай. «Шобоз» деҳқон фермер хўжалигидаги 12-дўконда кирсовун, 14-дўконда эса чой, макарон, гугурт топилмайди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Яна бир факт кўнглимизни хижил қилди. Текшириш ўтказилган куни эрталаб соат 9 дан 12 гача «Гулистон» хўжалигидаги 24, 25, «Озод» хўжалигидаги 26, 27, Махтумқули номли хўжаликдаги 29, 30-рақамли дўконлар ёпиқ турди. Ушбу дўкон мудирлари «Беруний тутиниу» маъмуриятининг эркатойларими? Балки улар «ўзи хон, қўланкаси майдон» мудирлардир? Ахир юзлаб харидорларни ярим кун куттириб қўйишнинг ўзи бўлмайди-ку!

Ҳозирги кунда, «Беруний тутиниу» раҳбарияти оддийгина ушбу масала ҳақида ўйлаб кўрмайдилар?

Жамият раҳбарларининг айби билан шу йилнинг дастлабки 8 ойи мобайнида дўконларга фондда белгиланган 288 тонна ўрнига 136,7 тонна ўсимлик ёғи, 36 тонна ўрнига 8,9 тонна макарон келтирилган. Шунингдек, 60 тонна туз, 101,1 тонна совун, 28,8 тонна чой фонддагидан кам олинган. Маълумки, булар харидорни хурсанд қиладиган рақамлар эмас.

Мазкур камчиликлар юзасидан прокурорлик таъсир чоралари қўлланиб, 4 та тақдимнома киритилди. 5 нафар шахсга интизомий жазо қўлланилди. Туман ҳокимлигига ахборотнома жўнатилди. «Беруний тутиниу» матлубот ҳиссадорлик жамияти раиси Насрулло Қурбонниёзов, унинг муовини Зарифбой Жуматовлар бундан тегишли хулоса чиқариб, савдо соҳасида юз бераётган ғалваларга чек қўядилар, деб умид қиламиз. Зеро, улар таъкидлаган ўтиш даври қийинчиликлари фақат Берунийдагина мавжуд эмас.

Бугунги кун раҳбари эса барча қийинчиликларни тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан енгиб ўтмоғи керак. Бунинг учун ҳамма вақт имкон топса бўлади.

Зафаржон РАЖАБОВ,
Беруний туман прокурорининг
катта ёрдамчиси,
адлия маслаҳатчиси

• *Нуқтаи назар*

ЖИНОЯТЧИ КИМ?

УЛАР АДАШГАН БАНДАЛАРМИ?

Дафъатан берилган бу саволни эшитган аксарият кишилар камида мийиғида жилмайиб қўйишлари тайин. Агар рағбат билдирса, жиноятчи жиноятчи-да ёки қонунларни бузган, унга бўйсунмаган, қарши ҳаракат қилган одам жиноятчи, деб жавоб беришади. Ва бу тўғри ҳам. Бироқ, ўша жиноят қилганнинг ҳам сизу биздек одам эканлигини эсга олсак, жиндек чуқурроқ мулоҳаза юритиш мажбуриятини ҳис қиламиз.

Ростдан, жиноятчи ўзи ким? Саволни сал бошқачароқ қўйсак, қандай одам жиноят қилади? Саволга жавоб топиш учун ўзим билган бир йигитнинг бошидан кечирганларини айтиб ўтсам.

Синфимизда тўққизта ўғил бола эдик. Гарчи, улғайганимиз сари тобора яқинлашиб, дўстлашиб борсак-да, кичик синфларда ўқиётганимизда ўзаро кўп уришардик. Бу табиий ҳол. Дунёга болаларча соддалик, софлик ила боқиш билан бир қаторда катталар таъсири, оила муҳитидан келиб чиқиб, мурғак қалбимизда одам боласига хос барча хусусиятлар, жумладан, ёмон хислату қилиқлар ҳам уруғланиб, унаётган эди-да. Ўзаро келишмовчиликлар, жанжаллашиб қолишлар, хуллас болаликка хос тушунчаларимиз ва тушунчадан келиб чиққан фаолиятимиз натижаси эди булар. Уришиб қолишимиз қанчалик табиий бўлса, ярашишимиз ҳам шунчалик тез ва бегубор болаликка хос эди. Аммо, бир синфдош жўрамиз бор эдики, у ҳар сафар жанжалдан сўнг «Ҳали кўрамиз, ҳали ҳаммангни тирқиратаман. Ҳали...» деб дағдаға қилишини қўймас, биз эса унинг устидан кулар эдик. (Ҳозир эслаб, нотўғри қилганимизни тан оламан). Юқори синфларга ўтгач, унинг дағдағалари қолган эсада, феъли-атворида ўзгаришлар яққол сезила бошлади. Сиртдан анча мулойим, беозор кўринарди-ю, секин-аста «отиб» ёки «қотиб» ўрганган, туман марказига бориб, баъзи «ака»лари билан қилган саргузаштларини айтиб мақтанар, сўзлашида аввалги дағдаға-дўқнинг оҳанги сезилиб турарди.

Мактабни тугатгач, баъзиларимиз Олий ва ўрта-махсус ўқув юртларига ўқишга кирдик. У эса на ўқишга кирди, (уриниб ҳам кўрмади) на ишга. Қишлоқда у-бу, дастлаб товуқ-хўроз, кейинчалик эчки-қўй, ахийри қоромоллар йўқола бошлаганини эшитиб қолардик. Кўпчилик синфдошимиз ва унинг қишлоқ аҳли танимайдиган «ака»ларидан шубҳа қилар, бироқ ҳеч ким уларни жиноят устида қўлга туширмаган эди. Аммо...

(Давоми 6-бетда)

• *Сайлов қонунлари амалда*

ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАР ТАШАББУСИ

(Бошланиши 1-бетда)

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунда ҳам худди шундай мазмундаги модда бўлиб, унда мазкур Кенгашларга номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг «камида эллик нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиш мумкин» эканлиги қайд этилган.

Халқимизда шундай ақл-заковатли, билимдон, ҳалол, меҳнаткаш, ташаббускор кишилар жуда кўп. Мабодо, ўша инсон келгусида Олий Мажлисга ёхуд халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутат бўлган тақдирда элининг орзу-умидларини рўёбга чиқаришда жонбозлик кўрсатишга қодирдир!..

Бироқ, улар бирор сиёсий партияга аъзо эмасдир. Ёхуд, у аъзо бўлган партиядан бошқа номзод кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин...

Бу галги сайловда ҳар бир округдан бир эмас - бешта сиёсий партия ҳамда ҳокимият вакиллик органлари билан бир қаторда бевосита сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан ҳам номзод кўрсатилмоқда.

Хўш, сайловчилар ташаббускор гуруҳи қай йўсинда ҳаракат қилади?

Аввало, ташаббускор гуруҳ ташкил топгач, уларнинг вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг рўйхати, унда гуруҳ аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади. Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб бир мартагина имзо қўйишга ҳақлидирлар. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини сайловчилар ташаббускор гуруҳининг имзо тўплаган аъзоси, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.

Сайловчилар имзони тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўпловчи шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига топширади. Округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичида тегишли баённи Марказий сайлов комиссиясига топширади.

МСК сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.

Депутатликка номзод этиб кўрсатилган шахсга рўйхатга сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида ёки рўйхатга олиш рад этилганлиги ҳақида қарор қабул қилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин ваколатли вакилга тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари берилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш рад этилган тақдирда округ сайлов комиссияси асослантирилган жавоб беради.

Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Имзо варақалари шаклини Марказий сайлов комиссияси белгилайди. Имзо варақасида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади. Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб бир мартагина имзо қўйишга ҳақлидирлар. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани



Олий Мажлис биноси

олинганлик гувоҳномаси берилади. Ушбу Қонунга мувофиқ номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тўхтатилади.

Шу йилнинг 11 октябригача сайловчилар ташаббускор гуруҳлари Тошкент шаҳридан 12 та, Андижон вилоятидан 14 та, Бухоро вилоятидан 12 та, Жиззах вилоятидан 11 та, Навоий вилоятидан 1 та, Наманган вилоятидан 12 та, Самарқанд вилоятидан 23 та, Сирдарё вилоятидан 9 та, Сурхондарё вилоятидан 26 та, Тошкент вилоятидан 16 та, Фарғона вилоятидан 10 та, Хоразм вилоятидан 6 та, Қашқадарё вилоятидан 21 та, Қорақалпоғистон республикасидан 11 та номзодларни кўрсатганлар.

Депутатликка номзод кўрсатишда сиёсий партиялар ҳам, ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳам албатта етти ўлчаб бир кесгандек жуда мулоҳазакорлик билан иш тутаётганлигига шубҳа йўқ. Улар муносиб деб билган кишиларининг номзодини кўрсатишлари аниқ. Сайловолди ташвиқотларида ҳам номзод кўрсатган сиёсий патиялар, ҳокимият вакиллик органлари билан бир қаторда ва тенг ҳуқуқларда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ҳам қонунда белгиланган тартибда фаол ҳаракат қилишлари табиий.

Сайловларда бундай имкониятлар яратилиши - аслида халқимизнинг порлоқ келажаги, юртимиз равнақи йўлида қилинган муҳим саъй-ҳаракатдир.

Обид ҲАМРОЕВ,
Марказий сайлов комиссияси аъзоси,
Тўлқин ЭШБЕКОВ,
Марказий сайлов комиссияси Матбуот гуруҳи катта референти

• *Нуқтаи назар*

ЖИНОЯТЧИ КИМ?

УЛАР АДАШГАН БАНДАЛАРМИ?

(Бошланиши 5-бетда)

Аммо, тўрт йил илгари ўқишдан қишлоққа борганимда эшитдимки, синфдошимиз «ака»лари билан қўшни қишлоқда «иш» қилишаётганида қўлга тушишибди...

Тўрт йилдан бери ўйлайман - у қандай қилиб жиноятчи бўлиб қолди? Унинг бу йўлга киришида кимнинг айби кўпроқ? Ўзинингми? Балки... бизнинг, синфдош-жўраларнинг ҳам айбимиз кўпроқдир. Балки...

Эътибор берсак, деярли барча жиноятчилар ўзларини ҳақ деб билишади. Қўлга тушганларидан сўнг (ёки арафасида) ўзларини оқлайдиган далилларни қалаштириб ташлайдилар. Далилларнинг кўпчилиги асоссиз, ўйлаб чиқарилган бўлса-да, ўзинигина ўйлаётган одам учун маълум асосга эга ва бунга у қатъий ишонади ёхуд ишонишга ҳаракат қилади. Бунга ёрқин далил қилиб машҳур «Жиноят ва жазо» (Достоевский) романи қаҳрамони Раскольниковни кўрсатиш мумкин.

Шарқда, жумладан, бизда ҳам азалдан жамоа шахсдан устун қўйилади. Бугун ҳукуматимизнинг маҳаллага эътиборни кучайтираётгани бежиз эмас. Маҳалла ёки қишлоқ аҳли Гарсиа Маркес тасвирлаган шаҳарча («Ошкора қотиллик қиссаси») аҳолиси аҳволи руҳиясидан лоқайдлик иллатидан фориғ бўлмоғи лозим. Бироқ...

Жек Лондоннинг «Қотилликлар бюроси» романидаги қотиллик бюроси бошлиғи Иван Драгомилов XX аср бошидаги Америка жамияти учун шундай бюро керак ва ҳатто муҳим эканлигини зўр бериб исботлашга ҳаракат қилади. Фикр жангида рақиби ва дўсти — юридик факультети талабасидан енгилади ва бунинг натижаси ўлароқ ўз қўли билан бюро аъзоларининг барчасини, демак, қотилликлар бюросини йўқ қилади. Жиноятнинг ва жиноятчиларнинг олдини олиш учун бир шахс сабабчи бўлиши ҳам мумкин экан-да. Қачонки...

Қачонки, ўша жиноятчи ақлан ва руҳан камолга етган (?) бўлса, уни тўғри йўлга солиш мумкин. Қачонки, у инсон бу дунёга нега келганини, қандай яшаш кераклигини, оқибатда уни нима кутаётганини англаса, ўзининг қандай йўлдалигини тушуниб етади.

Жалолиддин Румий «Фиҳи мо фиҳи» - «Ичиндаги ичинда» асарида келтирганларидек, яратилган махлуқот уч турли бўлади - малаклар, одамлар ва ҳайвонлар. Малаклар - яратилиши бўйича фақат ақлдан иборат. Уларнинг борлиғи - яратганга тоат-ибодат. Ҳайвонларга фақат нафс берилган. Улар ейиш-ичиш, кўпайишнигина билади, холос. Одамларга эса ҳам ақл, ҳам нафс берилган. Ва ақлга таяниб, кўрсатилган тўғри йўлдан юрганлар охиратда малаклардан-да юқори мавқега эришиши, нафсгагина бўйсуниб яшаганлар эса ҳайвонлардан ҳам тубан даражага тушиши айтилган.

Сўзимиз бошида жиноятчи ким, деган саволни қўйган эдик. Ақлимиз етгани - жиноятчилар адашган бандалардир. Уларни тўғри йўлга солиш эса сизнинг, бизнинг - барчамизнинг бурчимиз.

Хусан НИШОНОВ, журналист

• *Муносабат*

ЖАҲОЛАТНИНГ УМРИ ҚИСҚА

Мен ҳам урушни бошимдан кечирганман. Бошидан ўтганнинг қошидан ўтма, деганлари шу бўлса керак-да. Айтмоқчиманки, мамлакатимиз ҳудудидаги тинчликнинг қадрига етмоғимиз керак, осуда турмушимизга кўз олайтираётган ёвуз кучларга қарши қатъий ва аҳиллик билан курашмоқ чин инсоний бурчимиз.

Қирғизистон чегаларида рўй бераётган ҳаракатларни кузатиб борар эканман, ич-ичимдан таъсирланиб кетаман. Ўз қадрини билмаган жангариларнинг тегирмонига сув қуйиб юрган беватан номардлар орасида айрим юртдошларимизнинг ҳам борлигини ўйлаймаку, ҳеч ақлимга сиғдиролмайман. Қай бир инсон боласи аждодлари, дўсту-ёрлари ўйнаб ўсган киндик қони томган гўшаси ҳақида ёмон фикр айта олади. Жоҳиллик тўқмоғини улар кимга ўқталаётганлигини наҳотки обдон ўйлаб кўрмасалар...

Қолган умрларини она юртларининг бир сиқим тупроғига зор бўлиб ўтказиш қисматини бўйнига олган ўспиринларга ачинаман, холос. Бу аччиқ қисматни ҳеч бир ватандошимга раво кўрмайман.

Э.ҲАМРОЕВ, ЖИЭМ бошлиғи

• *Оғриқ нуқталар*

ДАРҒОМ ЮТГАН НОЛАЛАР

АКА НОМУСНИ ОЁҚ-ОСТИ ҚИЛДИ. ОНА ВА ҚИЗ ЭСА УЯТДАН ЎЛИМНИ АФЗАЛ БИЛИШДИ

Аёзли қиш кунларидан бири. Фалак узра ёйилган қонталаш булутлар ҳали-бери тарқамаётгандай. Қуёш нури онда-сонда милтираб тушиб турса-да, пастқам пахса деворлар устида яланғоч довдарахтлар новдаларидаги қировлар ҳамон турибди. Айвон олдида ризқ излаётган қушлар чуғур-чуғурини ҳисобга олмаганда ҳовли-сув сепгандай сукутда.

Бамисоли тўрт девор сиқаётгандай танг ўтирган Иқбол аяга айни манзара хуш келмасди. Нигоҳи бежо ва аламли, қуюққан лаблари беҳол пирпирарди.

- Зулхумор... Зулхумор, дейман!

- Лаббай.

Ошхона эшигидан кўриниш берган қизалоқ оқиш сочлари тўзғиган онаизори қарашидаги важоҳатни сезиб, ялинганнамо унинг ёнига интилди.

- Шу ердаман, аяжон.

Иқбол ая уй деворига суянганича тўтириб олди. Сўнгра Зулхуморни бамисоли унутгандай, нуқтасиз манзилга тикилганича, титраб-қақшаб йиғлай бошлади:

- Бу кунидан ўлсин аянг, жон қизим! Бизни ер ютса бўлмасмиди? Бу иснод мени соғ қўймайди, соғ қўймайди. Қулоқларим том битса бўлмасмиди менинг-ув-в...

Онанинг ноласидан Зулхуморнинг этлари увишди. Ҳавотир балққан кўзларида ёш қалқиди.

- Қандай билай аяжон. Ахир мен нима қилаолардим. Фақат... фақат йиғламанг, аяжон. Ахир юрагингиз... Қизалоқ унинг пинжидан паноҳ излаётгандай она тиззаларидан маҳкам тутганича йиғларди.

Иқбол аянинг дағал қўллари қизнинг силлиқ сочлари устида таралди. У бир сўз айтмоқчидай, жигаргўшасининг ўтинчли кўзларига тикилди. Бироқ, зум ўтмай нигоҳлари қаҳр ўтида лов ёнди.

- Мен яшаб бўлган одамман. Қобил болалар ўстиролмадим. Юзи куйган, бағри гирён онаман, жон қизим. Бўлди энди!..

Иқбол ая ўрнидан даст туриб, ташқарига шошилди. Боши очиқ, рангсиз пешонабанди эса чангалида.

Во дариғ, бу наҳот ўша дилкаш Иқболхон ая бўлса? Шаън ва ориятнинг қудрати уни шу куйга солиб қўйдими? Ҳаёнинг ҳарир пардалари унинг дил ойнасидан фонийликнинг шайдойи жилоларини бир умрга олиб қўйгандай.

Иқбол ая дарвозадан жадал чиқиб кетди. Йўл тугаб, қисқа ялангликни кесиб ўтувчи ёлғизоёқ сўқмоқ бошланди. Зулхумор пилдираб она изидан борар, югурар, гоҳи узун енгидан тортиб, уни қайтаришга интиларди:

- Қайга борасиз, аяжон? Бунча мени қўрқитманг, тўхтанг!

- Яратганнинг паноҳига бораман. Мени чақир ё бор худойим!

Кўп ўтмай ялангликни тугаб, шарқироқ Дарғом каналининг янтоқ ва юлғунзор соҳиллари кўзга ташланди. Зулхумор шўрхок уватлар узра югуриб бораркан, зах ютган паттага оёқлари қоқилиб, бор бўйича йиқилди. Тиззаларига сачилган чақиртикан оғриқларини у заррача пайқамас, тезроқ қаддини ростлашга ошиқарди. Бироқ, аксига олиб ҳеч ҳаракати унмасди...

Шу пайт Зулхуморнинг кўзи юлғун новдасига илинган таниш пешонабандга тушди. Даст туриб, чор-атрофдан онажонини ахтара кетди.

- Аяжон! - қиз гумонларини ютганича соҳил оқими тарафга югурди. Бу вақт оқим мавжи аёл танасини юзага қалқитганди. Чўзилган қўллар ёруғ олам-дан сўнгги бор умид кутаётгандай ҳавода кетиб борарди.

- Йўқ, аяжон, чўкмайсиз! Сизни кетказмайман! - Зулхумор ўзини сувга отиб, жонҳажди билан волидаси томон талпинди. Лаҳзали талпинишлар она рухсорига етиштирганда тўлқин уларни яна беаёв домига босиб юборди...

Қуёш нурин парчасидай
Армон дилни ёкди-кетди.
Наҳс босилган қалтис издан
Умид гули оқди-кетди.

***

Янги прокурор иш фаолиятининг иккинчи кунини туманда ҳаракатдан тўхтатилган ёхуд очилмай қолган жиноят ишлари ҳужжатлари билан батафсил танишишдан бошлади. Қисматлар, кечинмалар... Фиғон, маломатлар... Ҳар бирида инсонлар тақдири мужассам.

Гўзалкент тумани прокурори Илҳом Нуралиевич прокуратура соҳасидаги кўп йиллик фаолияти давомида талайгина тажриба орттирган. У мудом воқеа моҳиятини англаб, уларни ўз услубига тезроқ тушириб олиш пайида бўлади. Прокурорнинг синчков назари галдаги ҳаракатдан тўхтатилган иш ҳужжатлари устида тўхтаб қолди. Ҳарқалай, нотабиий мавҳумлик. Иқбол Маматова билан қизининг бир вақтнинг ўзида Дарғом каналига чўкиб кетиши... Бу ерда сир борлиги шубҳасиз. Ёки ғанимлари бўлганмикин? Йўқ-йўқ. У ҳолда Зулхуморнинг жасадида ўтказилган экспертиза хулосаларичи? Унда таъкидланишича, ҳали ўн беш ёшга тўлмаган қизалоқ бўйида тахминан 10-12 ҳафталик ҳомила бўлган...

Эртаси куни у воқеа юз берган Чархин кўрғони сари йўл олди. Марҳумлар оиласи, қўни-қўшнилар билан бўлган суҳбатлар, ҳа деганда натижа бераверамасди. Бундан икки йил олдин юз берган ўша машъум воқеа олдидан марҳумларни сўнгги бор кўрганлар қайтадан сўраб-суриштирилди. Шундайлардан бири Бувиш ая ҳам кўзларида ёш билан қўшнисининг ғанимат сўзларини эслашга интилди.

- Худо раҳмат қилгур. Иқболхонни ҳасратли, толиққан бир ахволда кўргандим. Тинчликми, айланайин, десам қўлини силтаб:

- Бола, болам, дебману, уларнинг тарбиясини яхши қилолмабман, - деганди бояқиш.

Прокурор марҳума ҳақида айтилган сўнгги сўзлар устида ўйларди: «Оналар ўз фарзандларига ҳеч қачон ёмонликни раво кўришмаганидек, улар шаънига ёмон фикр ҳам айтишмайди. Хўш, Иқбол ая сўнгги йўл олдидан нега бундай изтиробли гапларни айтдийкин?»

Жиноят изларини оиладан, хусусан, марҳуманинг фарзандлари орасидан излаш ҳақидаги фикрга тўхталди.

***

Сўроқ ишлари тезда бошлаб юборилди. Гумондорларнинг ҳар бир ҳаракати синчковлик билан кузатиб борилди.

- Тўрабек Маматов, онангиз Иқбол Маматова ҳамда синглингиз Зулхуморнинг бемаврид ўлими сабаблари ҳақида нималарни биласиз?

Кутилмаган бу саволдан Тўрабекнинг нигоҳи сергакланди. Қув оқарган чеҳрасида ачиниш ва армон соялари балққанлиги кўриниб турарди. У олдиндан ўйланган, аниқ фикрларини баён этишга уринди:

- Худо ҳақи, хабарим йўқ. Агар бирор хабар билсам, жим юра олармидим?

Қилни қирқ ёришга ўрганган синчков қонун ҳимоячиларини йигитнинг бу кўргазмалари чалғита олмади. Кейинги галмагал сўроқлар жараёнида ҳам Тўрабек бир хил жавобни айтиб, ўзини ақлли, айланайин, десам қўлини силтаб:

- Бола, болам, дебманг, уларнинг тарбиясини яхши қилолмабман, - деганди бояқиш.

Прокурор марҳума ҳақида айтилган сўнгги сўзлар устида ўйларди: «Оналар ўз фарзандларига ҳеч қачон ёмонликни раво кўришмаганидек, улар шаънига ёмон фикр ҳам айтишмайди. Хўш, Иқбол ая сўнгги йўл олдидан нега бундай изтиробли гапларни айтдийкин?»

Жиноят изларини оиладан, хусусан, марҳуманинг фарзандлари орасидан излаш ҳақидаги фикрга тўхталди.

***

Сўроқ ишлари тезда бошлаб юборилди. Гумондорларнинг ҳар бир ҳаракати синчковлик билан кузатиб борилди.

- Тўрабек Маматов, онангиз Иқбол Маматова ҳамда синглингиз Зулхуморнинг бемаврид ўлими сабаблари ҳақида нималарни биласиз?

Кутилмаган бу саволдан Тўрабекнинг нигоҳи сергакланди. Қув оқарган чеҳрасида ачиниш ва армон соялари балққанлиги кўриниб турарди. У олдиндан ўйланган, аниқ фикрларини баён этишга уринди:

- Худо ҳақи, хабарим йўқ. Агар бирор хабар билсам, жим юра олармидим?

Қилни қирқ ёришга ўрганган синчков қонун ҳимоячиларини йигитнинг бу кўргазмалари чалғита олмади. Кейинги галмагал сўроқлар жараёнида ҳам Тўрабек бир хил жавобни айтиб, ўзини ақлли, айланайин, десам қўлини силтаб:

- Бола, болам, дебманг, уларнинг тарбиясини яхши қилолмабман, - деганди бояқиш.

Прокурор марҳума ҳақида айтилган сўнгги сўзлар устида ўйларди: «Оналар ўз фарзандларига ҳеч қачон ёмонликни раво кўришмаганидек, улар шаънига ёмон фикр ҳам айтишмайди. Хўш, Иқбол ая сўнгги йўл олдидан нега бундай изтиробли гапларни айтдийкин?»

Жиноят изларини оиладан, хусусан, марҳуманинг фарзандлари орасидан излаш ҳақидаги фикрга тўхталди.

***

Сўроқ ишлари тезда бошлаб юборилди. Гумондорларнинг ҳар бир ҳаракати синчковлик билан кузатиб борилди.

- Тўрабек Маматов, онангиз Иқбол Маматова ҳамда синглингиз Зулхуморнинг бемаврид ўлими сабаблари ҳақида нималарни биласиз?

Кутилмаган бу саволдан Тўрабекнинг нигоҳи сергакланди. Қув оқарган чеҳрасида ачиниш ва армон соялари балққанлиги кўриниб турарди. У олдиндан ўйланган, аниқ фикрларини баён этишга уринди:

- Худо ҳақи, хабарим йўқ. Агар бирор хабар билсам, жим юра олармидим?

Қилни қирқ ёришга ўрганган синчков қонун ҳимоячиларини йигитнинг бу кўргазмалари чалғита олмади. Кейинги галмагал сўроқлар жараёнида ҳам Тўрабек бир хил жавобни айтириброқ гапиринг?

- 1997 йилнинг сентябрь ойи эди. Самарқанд шаҳрида улфатлар билан ичишдик. Уйга қайтсам, ҳеч ким йўқ экан. Фақат Зулхумор синглим уй юмушлари билан банд юрарди. Сўнгра... уни орқа уйга, ёнимга чақириб олдим. Алдаб...

- Садқаи ака кет-э, эшшак!

- Бу — аблаҳ! - деб юборди терговчи йигит ўзини тутолмай.

— Олиб чиқинг, — прокурор сокчи йигитларга ишора қилди.

***

Суд ҳукмига кўра Тўрабек Маматов қилмишига яраша жазога тортилди. У уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Аммо мамлакатимиз Президентининг 1998 йил 1 декабридаги амнистия тўғрисидаги фармонига кўра суд залидан озод этилди.

... Туман суди биносидан чиққач, Тўрабек қаерга боришни билмай, анча вақт гангиб ўтирди. Қандай қилиб, туғилиб ўсган хонадонига боради энди?.. Таниш-билишлар, қариндошлар кўзига қандай қарайди?..

Эртаси куни қишлоқда Тўрабекнинг олис шаҳарлардан бирига кетиб қолганлиги ҳақида гап тарқалди.

Ҳар гал Дарғом канали ёнидан ўтаётганимда эса Иқбол аянинг, бегуноҳ Зулхуморнинг нолалари қулоғимга чалингандай бўлаверади.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

• *Криминал*

«ГУВОҲ ҚОЛДИРМА!»

Қабордин-Балқор ИИВнинг жиноят-қидирув бошқармасини «қора ишчилар жойи» деб аташади. Сабаби эса бошқарманинг қотиллик жиноятларини очиш бўлими ходимларининг бетиним ишлашидир. Аввалари бу ўлкада қотиллик жиноятлари жуда кам учрайдиган жиноятлардан бири бўлса, бугунги кунда эса содир этилиш жиҳатидан майда ўғрилик билан бир қатордан жой олди.

Қуйида ана шу жиноятларнинг айрим оғир турларидан бири тўғрисида бўлим бошлиғи, милиция майори Р.Гудонаев ҳикоя қилади.

21 дан 22 сентябрга ўтар кечаси Адиқ қишлоғида вахшийларча содир этилган жиноят ҳақида маҳаллий милиция бўлимига хабар келиб тушади. Бир неча дақиқалар ичида тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб келганида, улар олдида инсонни бир кўришда қарахт қилиб қўядиган ҳолатнинг гувоҳи бўлдилар. Зимуҳовлар хонадонида бирданига қонга бўялган бешта ўлик топилади. Кароватда ётган уй бекаси, унинг 15 ёшли ўғли ва 2 ярим яшар қизи, ванна хонасида бошига оғир предмет билан уриб ўлдирилган 9 ёшли бола, ҳовлида эса бешинчи қурбон отиб ўлдирилган ҳолатда топилади.

Жиноят содир этилган жойни кўздан кечириш пайтида отилган ўқ гильзалари - жиноятчилар томонидан қолдирилган ягона далилий ашё топилади.

Бутун бошли катта оиладан қандайдир бахтли тасодиф билан уй бекасининг 7 ёшли ўғли тирик қолади. Ўқ овозидан қўрқиб уйғониб кетган бола бошларига маска кийиб олган одамларни кўриб, кароват тагига яшириниб олади. Кейин билинтирмасдан қўшнилар-никига қочиб чиқиб кетади. Улар боланинг аянчли аҳволини кўриб дарҳол милицияга хабар берадилар.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида босқинчилик жиноятини яшириш мақсадида ушбу жиноятни содир этган уюшган жиноий гуруҳ кўлга олинади. Аниқланишича, ушбу гуруҳ бир йил давомида фаолият юритиб келган экан. Гуруҳ аъзоларини эса 21 дан 35 ёшгача бўлган шахслар ташкил этган.

Бу фақат биттаси, лекин афсус оғир жиноятлар республикамизда кўплаб содир этилмоқда.

(Хориж матбуотидан)

• *Ҳар тўғрида*

АГАР МАКТАБГА БОРМАСА...

Буюк Британияда ота-оналар фарзандларининг мактабга боришини таъминлай олмасалар 2,5 минг фунт стерлинг миқдорида жаримага тортиладилар. Бу ҳақда мамлакат таълим вазири Дэвид Бланкешт баёнот берди.

«Келинглар, ўқитувчилар устидан кулиб, боларини мактабга жўнатмайдиган ота-оналарга ҳам шундай қаттиқ чоралар кўрайлик», деди у. Вазирнинг фикрича, «бундай оилалар нафақат мактабларда, балки бутун жамиятда тартибсизликлар келтириб чиқаради».

• *Юлдузлар ҳаёти*



Кевин КОСТНЕР

Машҳур «Танқўриқчи» фильмининг бош қаҳрамонларидан бири Кевин Костнер номи ўзбек томошабинларига ҳам яхши таниш.

Костнерга омад бирмунча кечроқ кулиб боққан. У ўйнаган биринчи фильм монтаж қилинаётганда фильмнинг асосий қисми кесиб ташланади. Бу воқеа 1983 йили бўлган эди. Фильм номи «Катта ёлғон» деб аталарди. Бугун эса у кулиб туриб: «Мен илк бор экранга чиққан эдим, у ҳам бўлса бошсиз мурда сифатида атиги 2-3 дақиқа эди, холос», дея хотирлайди.

Орадан 4 йил ўтгач, эса Костнернинг ҳаётида қувончли ўзгаришлар юз берди. Биринчи омадни «Тегиб бўлмаслар» фильмидаги полиция-чи роли олиб келди. Ундан кейин Шон Янг билан севги можароларини баён этувчи «Йўл йўқ» фильмлари минглаб томошабинлар меҳрини қозонди. «Бўрилар билан рақс тушувчи» фильмида режиссёр, продюссер ва бош қаҳрамон сифатидаги чиқиши эса унга 7 та Оскар ҳамда 50 млн. доллар даромад келтирди.

Кевин Костнер эришган омадга қарамасдан унинг Голливуд билан муносабати жуда танг. У ўзига нисбатан жуда талабчан, мустақил фикрга эга, бироқ турли хил учрашув ва кечаларни унчалик хуш кўрмайди. Бунга унинг танасида жўш ураётган ҳинду қони сабабчи бўлса ажаб эмас.

Костнер 21 йилдирки, синфдоши Синди билан бахтли ҳаёт кечириб келмоқда. Стюардесса бўлиб ишловчи Синди эри ҳали бошловчи актёр сифатида фаолият юритаётган пайтларда оилани ўзи тебратишга мажбур бўлган. Уларнинг ҳозирда Энни, Лили ва Жо исмли фарзандлари бор. Уларнинг уй-жойлари ҳам ҳавас қилгулик: Бири Санта-Барбарада, иккинчиси Пасаден шаҳрида ва учинчиси Сьерра тоғлари яқинида жойлашган.



Костнер «Танқўриқчи» фильмида.

«Агарда Синди кинони ташлашни талаб қилса, бунга рози бўлармидинг?», деган саволга Костнер: «Йўқ. Мен Синди учун жонимни беришга тайёрман, лекин кинони ҳеч қачон ташлай олмайман», деб жавоб қайтарган.

(«BRAVO» журналидан таржима)

СПОРТ

ФУТБОЛ

ПЕШҚАДАМ ДОҒДА ҚОЛДИ

Ўзбекистон миллий чемпионати охирлаётганига қарамай, мусобақа жадвалининг юқори поғоналарини қайси командалар эгаллаши ҳалигача мавҳум бўлиб қолмоқда. 26-турда пешқадам «Дўстлик»нинг Қаршидаги ўйинни «Насаф»га бой бериши (ҳисоб 2:0) кутилмаган ҳол бўлди. Буни қарангки, бу турда омад «Нефтчи»дан ҳам юз ўгирди. У ҳам ўз майдонида мағлубият аламини татиб кўрди. Бу ўйинда «Навбаҳор» 2:0 ҳисобида устун келди.

Қолган ўйинлар натижалари қуйидагича: «Хоразм» - «Андижон» - 0:1, «Зарафшон»-«Сурхон» - 2:2, «Металлург» - «Янгиер» -5:1, «Бухоро» - «Трактор» - 1:1, «Сўғдиёна» - «Самарқанд» - 0:0, «Пахтакор» - «Темирйўлчи» - 3:2


EWRO - 2000

12 ФИНАЛЧИ АНИҚЛАНДИ

2000-йилда бўладиган футбол бўйича Европа чемпионати финалида қатнашувчи 12 терма жамоа маълум бўлди. Булар: Бельгия, Голландия, Италия, Норвегия, Германия, Франция, Швеция, Испания, Руминия, Югославия, Чехия ва Португалия терма жамоаларидир. Финал иштирокчилари сафидан Россия футболчилари ҳам жой олиши мумкин эди, бироқ... Украина терма жамоаси билан бўлган ўйиндаги «аламли» дуранг, француз футболчиларининг Исландия спортчилари устидан қозонган «шодиёна» ғалабаси, россиялик футболчилар орзу-умидларини чиппакка чиқарди.

Шундай қилиб, энди қолган тўрт финалчи ким бўлишини кутамиз.

• *Кроссворд*




Энига: 1.Амир Темур вафот этган шаҳар. 3.Тошкент вилоятидаги шаҳар. 4.Ўзбекистон халқ шоири. 7.Ўрта Осиёлик машҳур астроном олим. 10.Бобурий ҳукмдорлардан бири. 11.Кемани шамол ҳисобига ҳаракатлантирувчи қурилма. 13. Самарқанд вилоятидаги туман. 14.«Отелло» ролини маҳорат билан ижро этган марҳум ўзбек актёри. 16.Сўмнинг юздан бир қисми. 20.Ўзбек романчилигининг асосчиси. 21.Ўзбекистонлик машҳур боксчи. 22.Ўзбекистон халқ ёзувчиси, марҳум. 23. Уруғ, қабила.

Бўйига: 1.Марказий Осиёда яшовчи миллат. 2.Мирзо Улуғбекнинг устозларидан бири. 3.Қадимда Ўрта Осиёда ҳарбий юришлар вақтида тўпланган номунтазам қўшин. 5.Қадимги жанг қуроли. 6.Пойтахтимизнинг бош майдони. 8.«Пахтакор-79» жамоасининг марҳум футболчиси. 9.Ўзбек халқ достонларидан бири. 10. Мамлакатимиздаги машинасозлик шаҳарларидан бири. 12.Наманган вилоятидаги туман. 15.Темурий ҳукмдорлардан бири. 17.Орзу, умид. 18.«Обид-А» театридаги «Чопора»нинг исми. 19. Сак қабилаларининг Эрон шоҳи Доро қўшинларига қарши курашини акс эттирган тарихий афсона.

Тузувчи: З.ҲАСАНОВ, Наманган вилояти

МАСЛАҲАТГА ЙЎЙМАНГУ...

Аҳмоқлигингни билмоқчи бўлсанг, осмонга қараб тупур!



А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

Қай бири илиб оларкин?

• *Шунақаси ҳам бўлади*

ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ

Бразилиянинг унчалик катта бўлмаган шаҳарчаларидан бирида ана шундай воқеа содир бўлди. Юзларига ниқоб кийиб олган 4 нафар босқинчи қуролланган ҳолда қамоқхона соқчиларига тўсатдан ҳужум қилишди. Соқчиларни қуролсизлантирган босқинчилар уларнинг қўл-оёқларини боғлаб, ўзлари эса қамоқхона маъмурияти биносида жойлашган хоналардан бирида мавжуд бўлган 28 минг доллар пулни ўмариб, жуфтакни ростлашди.

Ажабланарли жойи шундаки, бу пуллар қамоқхонада сақланаётган маҳбусларнинг иш ҳақлари учун ажратилганди. Пуллар эса уларнинг оила аъзоларига жўнатилиши керак эди.

«Босқинчиларнинг бу ҳаракати ҳар қандай инсонийлик жиҳатларидан йироқдир. Сабаби, улар ўз «ҳамкасб»ларининг ҳалол меҳнат ҳақларини ўғирлаш даражасигача етиб боришди», дейди қамоқхона бошлиғи.

Бизнингча эса энди маҳбуслар пешона тери эвазига топилган маблағдан бир зумда ажраб қолишлик қандай бўлишлигини ўз таналарида ҳис этиб кўрадиган бўлишди. Нима ҳам дердик, қайтар дунё деганлари шу бўлса керак-да...

Қаҳ-қаҳа бекати

Сартарош мижозига:

— Қойил, бошмисан, бош экан!

Мижоз ғурурланиб:

— Тўғри, иккита институтни тугатганман бу бош билан.

— Менга деса ўнтасини тугатмайсизми, лекин бошни ҳар замонда ювиб туриш ҳам керак-да, ака!

***

— Алло! Бу жониворларни ҳимоя қилиш жамиятими?

— Худди шундай. Муаммо борми?

— Бор. Бир солиқчи ҳовлимиздаги дарахтга чиқиб олиб, итимизни ҳақорат қилиб сўкаяпти...

***

Табиб беморга икки дона дори узатиб, деди:

— Биттасини кечқурун уйқудан олдин ичинг, иккинчисини эрталаб, агар уйғонсангиз.

***

— Нима учун онангга менинг уйга эрталаб келганимни айтиб қўйдинг? - сўради ота қизидан.

— Мен буни айтганим йўқ, дадажон. Фақат эрталабки нонушта тайёрлаётганим учун соатга қарамадим, дедим холос.

Д.МАМАДАЛИЕВ тўплаган

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир
Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев,Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети.
Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 12656. Буюртма Г-0857. Бичими А-3.
Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ
1 2 3 4 5 6
Сотувда эркин нархда.
Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 17.30